

## ШАРТНОМА № С/6

Тошкент шаҳар

« 17» январь 2022 й.

**MCHJ «MED CLASS PLUS»** корхонаси номидан «Ижрочи» директор **Ш.А.Рамазонов** амалдаги Уставга асосан бир томондан, ва «Буюртмачи» ШТКМЗ амалдаги Низомга асосан иккинчи томондан қуйидаги шартномани туздилар.

### I. Шартноманинг мазмуни.

1.1. «Буюртмачи» «Ижрочи» га (COVID-19) вируси аниқланган беморлар ва шубҳа остига олинган шахслардан ажралаётган чиқиндиларни ташиш ва утилизация қилиш (СанҚваН 0010-21-2021й.) топширади, «Ижрочи» «Буюртмачи»га қуйидаги хизмат тури: (COVID-19) вируси аниқланган беморлар ва шубҳа остига олинган шахслардан ажралаётган чиқиндиларни транспортировка қилиб Ўзбекистон Республикаси норматив далолотномасига мувофиқ зарарсизлантириш ва утилизация қилиш учун объектга юборади.

### II. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби.

2.1. «Ижрочи» «Буюртмачи»га тиббий чиқиндиларни тўплаш ва йўқ қилиш, ва йўқ қилиш объектига ташиш бўйича хизматларни ўз зиммасига олади, «Буюртмачи» хизмат учун қуйидаги спецификацияга мувофиқ тўловни амалга оширади:

#### Спецификация.

№	Хизмат тури	Ўлчо в бир-ги	Сони	Нархи (сўм)	Нархи ҚҚС 15% билан	Жами
1.	(COVID-19) вируси аниқланган беморлар ва шубҳа остига олинган шахслардан ажралаётган чиқиндиларни ташиш ва утилизация қилиш	кг	3 500	9 287,82	10 680,993	37 383 475.5

2.2. Шартнома миқдори: Ўттиз етти миллион уч юз саксон уч минг тўрт юз етмуш беш сўм беш тийин, ҚҚС билан.

2.3. «Буюртмачи» шартноманинг 1.1 бандида кўрсатилган хизмат учун 30% тўлайди қолган 70% иш бажарилгандан сунг амалга оширилади.

2.4. Хизмат кўрсатиш нархига хизматнинг умумий ҳажми, ишлатилган материаллар, юклаш, тушириш ва ёқиб йўқ қилиш хизматлари киритилган.

### III. Томонларнинг мажбуриятлари.

#### 3.1. Томонларнинг мажбуриятлари:

3.1.1. Шартнома бўйича мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда «Буюртмачи» қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади:

3.1.2. Тўлов кечиктирилган тақдирда «Буюртмачи» «Ижрочи»га ҳар бир кечикиш учун 0,4% миқдорда жаарима тўлайди, аммо ушбу сумманинг кечикишининг 50% дан ошмаслиги керак. Ушбу шартнома бўйича «Ижрочи»нинг шартлари ошиб кетган тақдирда, «Ижрочи» «Буюртмачи»га ҳар бир кечикиш учун 0,4% миқдорда жарима тўлайди, аммо бажарилмаган ишлар умумий қийматининг 50% идан кўп булмаган миқдорида.

#### 3.2. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

3.2.1. (COVID-19) вируси аниқланган беморлар ва шубҳа остига олинган шахслардан ажралаётган чиқиндиларни ташиш ва утилизация қилиш «Ижрочи»га топширишдан олдин амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ йиғиш, қайта ишлаш ва вақтинча сақлаш, санитария қоидалари СанҚваН 0010-21.

3.2.2. Транспорт воситаси ва «Ижрочи» ходимининг «Буюртмачи»нинг барча ҳудудларига бемалол ўтишишни таъминлаш.

3.2.3. Шартнома бўйича мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун жавобгар шахсни тайинлаш.